ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

САНОИЙ, АТТОР ВА РУМИЙ

Рашид Нормуротович Жумаев
ҚарДУ филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада буюк мутафаккирларимиз Саноий, Аттор ва Румий диний-фалсафий ва ирфоний қарашлари тўғрисида илмий қарашлар асосида алломаларимизнинг диний-тасаввуфий ва дидактик мазмун нуқтаи назаридан яратилган асарлари қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ижод, улуғ зот, диний қараш, фалсафий қараш, ирфоний қараш, илм-маърифат, ақл, нафс, руҳ, шогирд, издош.

SANOI, ATTOR, AND RUMI

ABSTRACT

The article presents a comparative analysis of the works of our great thinkers from the point of view of religious-mystical and didactic content on the basis of scientific views on the religious-philosophical and mystical views of our great thinkers Sanoi, Attar and Rumi.

Keywords: creativity, greatness, religious view, philosophical view, mystical view, knowledge, intellect, lust, spirit, disciple, follower.

КИРИШ

Жалолиддин Румий шахсиятининг шаклланиши ва ижодиётининг ривож топишида алоҳида таъсир ўтказган улуғ зотлардан бири Ҳаким Саноийдир. Абулмажд Маждуд бинни Одам Саноий Ғазнавий ҳақида етарли маълумотлар мавжуд эмаслиги боис буюк мутафаккирнинг ҳаёт йўлини белгилаш – анча қийин. Унинг туғилган йили ва вафоти тўғрисида ўрта аср тазкиранавислари томонидан берилган маълумотлар зиддиятлидир[1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳаким Саноийнинг туғилган жойи – аниқ. Бу ҳақда шоирнинг ўзи ҳам бир неча асарларида ишора қилади:

Гарчи мавлид маро ба Ғазнин аст,

[1] Бу ҳақда қаранг: Олимов К. Мировозрение Санои. – Душанбе, 1973. – Стр. 22.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

Нақши шеърам чу нақши Чин аст[2].

Мазмуни: Туғилган жойим Ғазнин бўлса ҳам, шеърларим гўзалликда Чин (Хитой) нақшларига ўхшайди.

Ҳаким Саноий оиласи аъзолари сунний мазҳабдаги кишилар бўлиб, ўзларининг пок эътиқоди ва маърифати билан Ғазна шаҳри ва унинг атроф ҳудудларида ҳам машҳур бўлишган. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат...”да Саноийнинг машҳур Шайх Разиюддин Али Лоло билан қариндошлигини айтиб, унинг Хожа Юсуф Ҳамадоний муридларидан бўлганлигини алоҳида таъкидлайди[3].

Бадеъуззамон Фурўзонфар: “Саноийнинг отаси буюк донишманд ва ориф Шайх Рази бинни Лоло билан қариндош ҳамда машҳур вазир Сақат ул-Малик бинни Али фарзандларига муаллимлик қилар эди”[4], – дейди.

Албатта, оиладаги муҳит Саноийнинг диний-фалсафий ва ирфоний қарашлари шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Саноий Хуросон ва Эрондаги кўплаб шаҳарларни кезиб чиқади, шундан кейин Маккага боради. Шоир Ғазнидан кетгач, дастлаб Балх, кейинчалик Ҳирот, Нишопур, Сарахс, Марвда ва Хоразмнинг турли шаҳарларида яшайди. Шоирнинг бу маконлардаги ҳаёти ғоятда оғир, моддий етишмовчиликлар ва қашшоқликда кечади:

Валлаҳ, ки аз либос чуз аз рӯйи орият,
Бар фарқи ман аммомаву бар по эзор нест[5].

Шунга қарамасдан, у қаерда яшамасин, тинмай илм-маърифат ўрганиш пайида бўлган ҳамда фиқҳ, фалсафа ва тиббий фанлар билан махсус шуғулланган. Мусофирлигидаёқ у кўплаб мухлис ва муридлар орттиради, унинг суҳбатларини истовчи муштарий ҳамда муҳиблари турли табақа вакиллари орасидан кўплаб топилар эди.

Саноийнинг энг муҳим асари, шубҳасиз, “Ҳадиқат ул-ҳақиқат ва шариат ул-тариқат” ҳисобланади. Уни “Фахрнома” ва “Илоҳийнома” ҳам дейишади. “Ҳадиқат ул-ҳақиқат...” ўн икки мингга яқин байтни ўз ичига олади. Унда Саноий ўз давридаги кўплаб илмларнинг баёни билан бир қаторда, Қуръони

[2] Олимов К. Ўша китоб, ўша бетда.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 457.
[4] Девони Ҳаким Саноий. Теҳрон, 1375 ҳ.ш. – Сах. 9.
[5] Қаранг: Девони Ҳаким Саноий. – Сах. 89.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

карим ва ҳадиси шариф талқинларига ҳам катта эътибор қаратади. “Ҳадиқат ул-ҳақиқат...” шоир замондошлари ҳамда ундан кейин яшаган ижодкорлар ва тасаввуф илми аҳлининг диққатини ўзига тортади.

Муҳаммад Авфий ўзининг “Лубоб ул-албоб” тазкирасида Саноий ва унинг “Ҳадиқат ул-ҳақиқат...”и ҳақида шундай ёзади: “Устод ул-ҳукамо, хатми шуаро Маждиддин Одам ас-Саноий ал-Ғазнавий, ҳикмат кўзининг зиёси, ўзининг “Ҳадиқа”сида ... фикр денгизи тубидан ганжлар олиб, сўз ва ибора қўли билан жаҳон аҳлига дурру гавҳарлар сочди”. Жомий эса “Нафаҳот ул-унс...”да Саноий ҳақида сўзлаб, унинг “Ҳадиқа”сини “шеър ва баён санъатидаги камоли ҳамда маърифат ва тавҳид арбоби сифатидаги завқ ва важдининг қатъий далили ва бурҳонидур”, – дейди.

Бадеъуззамон Фурўзонфар “Ҳадиқат ул-ҳақиқат...”нинг маъно жиҳатдан ҳам, ифода жиҳатдан ҳам тенгсиз асар эканлигини айтиб, услуб ва бадиият ҳамда баён нуқтаи назаридан бунга ўхшаш бошқа бир китобни учратиш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтади[6]. Саноий ижодига нисбатан бериладиган турли баҳо ва хулосалардан қатъи назар, кўпчилик шарқшунос олимларнинг умумий эътирофига кўра, Саноийнинг “Ҳадиқат ул-ҳақиқат...”и диний-тасаввуфий ва дидактик мазмун нуқтаи назаридан ўзидан кейин яратилган аксарият маснавийлар учун намуна вазифасини бажарган.

Саноий бадиий ижодда қушлар муножотларини кашф этган. Шу билан бирга, рамзий-мажозий тимсолларга асосланган асарларда қушларни конкрет номлар билан ифодалаш анъанасини ҳам Саноий бошлаб берган. Ўрдак, лайлак, шунингдек, туя, ит тимсолларини ҳам ирфоний адабиётга биринчи марта Саноий олиб кирган. Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”идаги бир қатор ҳикоятлар Саноий “Ҳадиқат ул-ҳақиқат...”и таъсирида яратилганлиги маълум. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”сида Саноий ҳақида сўзлаб: “Мавлоно Жалолиддин Румий шунчалар юксак фазлу камоли билан ўзини шайх Саноийнинг шогирди ва издошларидан деб билади ва бундай дейди:

Аттор рӯҳ буду Саноӣ ду чашми ӯ,
Мо аз пайи Саноиву Аттор омадем”[7],

Мазмуни: Аттор руҳ бўлса, Саноий унинг икки кўзидир. Биз Саноий ва Аттор изидан келдик**.**

[6] Бу ҳақда қаранг: Девони Ҳаким Саноий. – Саҳ. 17–18.
[7] Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. – Теҳрон, I337 ҳ.ш. – Саҳ. I06.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Дарҳақиқат, Румий “Маснавийи маънавий”да ақл, руҳ, жон ва нафс каби тушунчалар ҳамда Қуръони карим оятлари талқини ва бошқа бир қатор тасаввуфий, диний-исломий масалалар шарҳида Саноий ижодига, хусусан, “Ҳадиқат ул-ҳақиқат...”га таянади. Бундан ташқари, Мавлоно “Маснавийи маънавий”да Саноий девонидан бир қанча байтларни у ёки бу ҳикоят ёхуд қиссада баён қилинаётган фикр-қарашларининг исботи сифатида келтириб, уларни тафсир қилади. Буни “Тўти ва савдогар” ҳикоятида, Мавлонога хос бўлган лирик чекинишлар пайтида келтирилган алоҳида байт ёхуд бир неча байтлар мисолида кўриш мумкин[8].

Қизиқарли жиҳати шундаки, Мавлоно Саноий байтларининг тафсирига киришар экан, улардан қанчалик таъсирлангани ва илҳомланганини очиқ-ойдин изҳор қилади:

Бишнав ин панд аз Ҳакими Ғазнавӣ,
То биёби дар тани кӯҳна навӣ (С. 97).

Мазмуни: Ҳаким Ғазнавий (Саноий)нинг бу пандига қулоқ солсанг, эски танангдан янгича руҳ топасан.

Мавлоно Саноийга ва унинг фалсафий қарашларига катта эҳтиром билан қарайди, ҳатто, баъзи ўринларда устозини юксакларга кўтаради:

Туркҷўшаш шарҳ кардам нимхом,
Аз Ҳакими Ғазнавий бишнав тамом.

Дар “Илоҳийнома” гўяд шарҳи ин,
Он ҳакими ғайбу фахрул-орифин (С. 567).

Мазмуни: Шарҳда шошилдим ва хомлик қилдим. Сен буни ҳаммасини тўлиқлигича Ҳаким Ғазнавийдан эшитгил. Ғайб тилининг билимдони ва орифлар фахри (Саноий) “Илоҳийнома”да буни шарҳлаб берган.

“Ҳадиқат ул-ҳақиқат...”да Қуръони карим ва ҳадиси шариф шарҳига ҳам катта ўрин берилган. Мавлоно Румий Саноийнинг Қуръон ҳақида изҳор этган қарашларини қўллаб-қувватлаши баробарида, “каломи Аллоҳ”ни инкор қилувчиларга қарши курашда ҳамда бу муқаддас китобнинг зоҳирий ва ботиний маъноларини кўрсатиб беришда Саноийга суянади:

Хуш баён кард он Ҳакими Ғазнавӣ,
Баҳри маҳҷубон мисоли маънавӣ (С. 590).

[8]Қаранг: Жалолиддин Муҳаммад Алҳусайн ал-Балхи сумма ар-Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи дафтар. – Теҳрон: Тулўъ, 1365 ҳ. – Сах. 90–I04.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

“Девони кабир”да Саноийга бағишланган кўплаб байт ва мисраларга дуч келинади. Бундан ташқари, Мавлоно Саноийга бағишлаб алоҳида ғазал битганига ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин.

“Девони кабир”даги 996-ғазал Ҳаким Саноийга бағишланган бўлиб, унда Мавлоно Жалолиддин Румий устозининг улуғ шахсияти ҳақида сўзлайди. Биз қуйида ушбу ғазални тўлиқ келтирамиз:

Гуфт касе: Хоҷа Саноий бимурд,
Марги чунин Хоҷа на корест хурд.

Коҳ набуд ӯ, ки ба боде парид,
Об набуд ӯ, ки ба сармо фусурд.

Шона набуд ӯ, ки ба мӯйе шикаст,
Дона набуд ӯ, ки заминаш фушурд.

Ганҷи заре буд дар ин хокдон,
К-ӯ ду ҷаҳонро ба ҷаве мешумурд.

Қолаби хокӣ сӯи хоке фиканд,
Ҷони хирад сӯи самовот бурд.

Ҷони дуввумро, ки надонанд халқ,
Муғлата гӯям ба ҷонон супурд.

Соф даромехт ба дурди май,
Бар сари хум рафт ҷудо шуд зи дурд.

Дар сафар афтанд ба ҳам, эй азиз,
Марғазиву розиву румиву курд.

Хонайи худ боз равад ҳар яке,
Атлас кай бошад ҳамтойи бурд.

Хомӯш кун, чун нуқатеро малак,
Номи ту аз дафтари гуфтан ситурд (С.399).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

Мазмуни: Бир киши Хожа Саноий ўлди деди. Бундай кишининг ўлиши кичкина воқеа эмас. У сомон эмасдики, уни шамол учириб юборса. У сув эмасдики, совуқ уни бир парча музга айлантириб қўйса. У шона (тароқ) эмасдики, бир соч толасидан синиб кетса. У дона (дон) эмасдики, ер уни ўз бағрида сиқиб қўйса. У бу тупроқ уюмидаги (дунёда) олтин хазинаси эди. У икки дунёни бир арпага алмаштирарди. Тупроқдан яралган танни тупроққа берди. Хирад (юксак ақл) жонини само (осмон)га элтти. Иккинчи жонни авом халқ билмаслар. Агар хато (ғалат) сўзласам ҳам, у жонини жононга топширди. У май қуйқаси билан тўлиқ аралашди. Хум бошига етганида, май қуйқасидан ажралди. Эй азиз, агар Марғазий, Розий, румлик ва курд биргаликда сафарга отланишса, уларнинг ҳар бири, албатта, ўз уйига қайтажак. Атлас билан бурд (олача)ни ҳеч қачон тенглаштириб бўлмас. Жим бўл, бу сўзларни қўй, эй малак. Чунки сенинг номинг сўзлагувчилар рўйхатидан ўчирилган.

Мазкур ғазалдаги 3 та байт 2, 3 ва 9-байтлар “Фарҳанги забони тоҷикӣ” тафсирий луғатининг 1-жилд 213-бетида “бурд” сўзининг изоҳида ва 2-жилдда 449 ҳамда 450-бетларда “фусурд” ва “фушурд” сўзларининг изоҳида) Мавлоно Румий “Девони кабир”идан олинган ушбу байтларнинг муаллифи янглиш тарзда Рудакий деб кўрсатилган.

Умуман олганда, “Маснавийи маънавий”даги маъно, мазмун, образлар тизими ва тасаввуфий тушунча ҳамда истилоҳларда Саноий ва унинг “Ҳадиқат ул-ҳақойиқ...”и таъсири жуда катта бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Шу ўринда Саноий ижоди, хусусан, унинг “Ҳадиқат ул-ҳақойиқ...” асарининг Навоий “Лисон ут-тайр” достонига ҳам таъсир ўтказганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Саноийнинг ушбу асаридаги бир ҳикоятда шундай воқеа нақл қилинади:

Дар Уҳуд Мир Ҳайдари Каррор,
Ёфт захме қави дар он пайкор.

Монд пайкони тир дар пояш,
Иқтизо кард он замон рояш.

Ки бурун орад аз қадам пайкон,
Ки ҳамон буд мар варо дармон (С. 41[б]).

Мазмуни: “Уҳуд жангида Амир Ҳайдари Каррор(Али) жуда оғир яраланди. Ўқнинг пайкони оёғига санчилиб қолди. У ярадан пайконни олиб ташлаш ҳақида ўйларди. Чунки пайкон олинса, унинг жони ором топарди”.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

Хуллас, Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи вассаллам тавсиясига кўра, жарроҳ ярадан пайконни чиқариб ташлайди. Ҳазрат Али буни мутлақо сезмайди. У намозини тугатгач, ҳайрон бўлиб оёғидаги оғриқнинг камайгани боисини ҳамда жойнамозда тўпланиб қолган қон ҳақида сўраганида, фарзанди Ҳусайн бўлиб ўтган воқеани баён қилиб беради.

Саноий ҳикоятни намоз ўқишда сидқ ва ихлоснинг аҳамияти хусусидаги фикр-қарашлари билан якунлайди.

“Лисон ут-тайр”да ҳам Ҳазрати Али ҳақидаги бир ҳикоят ўрин олган. Навоий ўз ҳикоятини шундай бошлайди:

Бир ғазода нақл мундоқдурки, шоҳ,
Ебдур ўқ захмики отмиш кинахоҳ.

Ер тутуб пайкон сўнгакка ўйла руст,
Ким чекордин бўлмайин чиқмоққа суст (16-бет).

Кўринадики, бу ерда ҳам асосий гап пайкон хусусида. Навоий ҳикоятида келтирилишича, бир неча киши пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳузурларига бориб, маслаҳат сўраганларида Ҳазрати пайғамбаримиз (с.а.в.): “Бу ишнинг иложини Али намоз бошлаганидан кейин қилиш мумкин. У намозга киришгач, захмдаги пайконни имкон қадар қаттиқ тортинглар, чунки Али намоз пайтида истиғроқ ҳолатида бўлади. Шунда у оғриқни бутунлай сезмайди”, – деб марҳамат қиладилар:

Шаҳ намозининг саломин чун деди,
Захмда не дарду не пайкон эди (17-бет).

Али бу ҳолатдан ажабланиб сўраганида, унга ҳазрати пайғамбаримиз (с.а.в.) сўзларини айтиб беришади. Навоий ҳикоятни Али тилидан келтирилган қуйидаги мисралар билан якунлайди:

Ҳайдари Каррор шукр айлаб аён,
Ушбу иш сиррин бу навъ этди баён.

Ким халос ўлмоқ ажал пайконидин,
Мумкин эрмас жуз набий эҳсонидин.

Бизга ҳар ғамдин нажот ондиндурур,
Балки ойини ҳаёт ондиндурур (17-бет).

Навоий ва Саноий ҳикоятларида ўхшашлик кўриниб турибди. “Ҳадиқат ул-ҳақиқат...”да ҳикоят “Намоздан қалбнинг ҳузур топиши” фаслида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

келтирилган бўлса, “Лисон ут-тайр”да ҳикоят анъанавий наътдан сўнг Ҳазрат Алининг маънавий, ахлоқий ва шахсий фазилатлари, ибратли ҳаёти хусусидаги таъриф ва тавсифларни далиллаш учун келтирилган. Саноий ҳикояти 38 мисрадан иборат бўлса, Навоий ўз ҳикояти асосий мазмунини 24 мисрада баён қилади. Саноий Ҳазрати Али яраланган жанг номини аниқ кўрсатса, Навоий уни “Бир ғазода” деб қўяди. Саноий Алига Ҳайдари Каррор (қайта-қайта ҳужум қилувчи шер) дея мурожаат қилса, Навоий уни дастлаб “Шаҳ” деб атайди. Фақат ҳикоят охирига келиб, уни Ҳайдари Каррор дея таърифлайди.

“Ҳадиқат ул-ҳақиқат...”даги ҳикоятда ҳазрати Али “дард”ига жарроҳ даво қилса, “Лисон ут-тайр”да у пайкон “ғам”идан набий эҳсони туфайли нажот топади. Шунингдек, “Ҳадиқат ул-ҳақиқат...”даги ҳикоятда, жарроҳдан ташқари, Алининг ўғли Ҳусайн тилга олинса, Навоий ҳикоятида Али билан бирга Муҳаммад пайғамбар(с.а.в.) ва бир гуруҳ кишилар ҳақида сўз боради. Саноий асарида суҳбат Али билан Ҳусайн ўртасида бўлиб ўтса, “Лисон ут-тайр”да бундай суҳбат Ҳазрати пайғамбаримиз ва бир гуруҳ кишилар ўртасида кечади. Иккала ҳикоятда ҳам Алининг пайкон азобидан қутулиши намоз адоси билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Шу билан бир қаторда, муаллифларнинг ўз ҳикоятидан чиқарган хулосалари ўзгачадир.

Саноий ҳикоятидаги хулоса муаллиф тилидан берилади ва унда намоздаги сидқ сажда, қуъуд, рукуъ, қиём ва саломнинг мартабасини белгилашини таъкидлаб, намозни, шунингдек, ҳар қандай иш ва амални бажаришда сидқидилдан ёндашишга даъват қилиш ғояси устунлик қилади. Навоий эса хулосани Али тилидан келтиради ҳамда унда Аллоҳ ва инсон муносабатлари, Ҳақ ва ҳақиқатни англаш, маънавий-ахлоқий юксалиш, ибратли ҳаёт кечириш билан бир қаторда, ҳатто, “ажал пайконидин халос” бўлиш “шамъи Худо”, яъни Ҳазрати пайғамбаримиз (саллалаҳи алайҳи вассаллам)нинг эҳсони, ўгити, маърифати ва кўрсатмасисиз амалга ошмаслиги алоҳида таъкидланади.

Навоий ҳикоятидаги яна бир муҳим жиҳат шундаки, шоир Муҳаммад пайғамбарни муриди қалбидан кечаётган ҳис-ҳаяжон ва кечинмаларни билгувчи бир пир тимсоли тарзида тасвирлайди ҳамда пайғамбаримиз ҳаётий тажрибаларини ўрганишга даъват этади. Навоий ҳикоятидаги ана шундай тавофутлар унинг ўзига хос ғоявий-бадиий маъно касб этишини таъминлаши баробарида, “Лисон ут-тайр” достонининг “Мантиқ ут-тайр”дан фарқли жиҳатларини кўрсатиш учун ҳам хизмат қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

Фаридиддин Аттор XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг бошларидаги форс-тожик адабиёти, шунингдек, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиёти ва фалсафий-тасаввуфий тафаккури ривожига катта ҳисса қўшган забардаст сўз санъаткоридир. Унинг исми Муҳаммад, кунияси Абдуҳомид бўлиб, Фаридиддин эса лақаби ҳисобланади. Кўпгина манбаларда шоир кунияси Абу Толиб деб кўрсатилса-да, Бадеъуззамон Фурўзонфар Атторга замондош бўлган Муҳаммад Авфий берган маълумотни маъқуллайди[9]. Шоирнинг тасаввуф йўлига кириши хусусидаги фикр-қарашларда айрим ихтилофлар мавжуд. Бу ҳақда Жомий[10] ва Давлатшоҳ Самарқандийлар[11] келтирган ривоятлар тадқиқотчилар томонидан турлича баҳоланади. Бадеъуззамон Фурўзонфар мазкур ривоятларнинг асоссиз эканлигини таъкидлар экан, ўз фикрининг исботи ўлароқ, Аттор “Тазкират ул-авлиё”си муқаддимасидаги қуйидаги ишорага таянади. Унда Аттор асарнинг ёзилиши сабабларини баён қилар экан: “Бири шу эдики, ҳеч қандай сабабсиз ёшлигимда бу тоифа (сўфия) билан дўстлик шамоли қалбимда мавж урар ва ҳамма вақт кўнглимда уларнинг сўзлари роҳат бағишлар эди”[12], – дейди.

Бу эътирофдан шу нарса кўринадики, Аттор ёшлигидан тасаввуф илми ва аҳли сўфия ҳаёти билан қизиқиб келган. Маълумки, Атторга отасидан каттагина мулк ҳамда дорихона мерос қолган. Ҳар куни дорихонадан “беш юз киши” дори харид қилар экан, моддий қийинчилик ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас эди[13]. Аксинча, бу нарса Аттор таъкидлаганидек, “киши ўз севган иши” (бу ерда тасаввуф аҳли ҳаёти назарда тутилмоқда) билан шуғулланишига имкон беради[14]. Бинобарин, унинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги кейинчалик ҳам тасаввуф илми билан махсус шуғулланиш учун етарли замин яратади.

Давлатшоҳ Самарқандий Аттор шайх ул-машойих ва ориф Рукниддин Аккофнинг муриди эди[15] деб кўрсатса, бошқа манбаларда Атторнинг кубравия тариқатига мансублиги хабар қилинади[16]. Бадеъуззамон Фурўзонфар бу масалага муносабат билдириб, Давлатшоҳнинг: “Шайх Фаридиддин Аттор

[9] Қаранг: Бадеъуззамон Фурўзонфар. Шарҳи аҳвол ва нақду таҳлили осори шайх Фаридиддин бинни Муҳаммад Аттор Нишобурий.– Теҳрон, I374. – Саҳ. I–2.
[10] Кўрсатилган асар. – Б. I7.
[11] Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Т., I997.– Саҳ. 208
[12] Бадеъуззамон Фурўзонфар. Шарҳи аҳвол ва нақду таҳлили осори шайх Фаридиддин бинни Муҳаммад Аттор Нишобурий. – Саҳ. I7.
[13] Бадеъуззамон Фурўзонфар. Кўрсатилган асар. Ўша бетда.
[14] Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Т., I997. – Б. 6.
[15] Тазкират уш-шуаро. – Саҳ. 208–209.
[16] Қаранг: Бадеъуззамон Фурўзонфар. Кўрсатилган асар. – Саҳ. I9–30.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

хирқасини султони ошиқин ва фахр уш-шуҳадо Маждиддин Бағдодийнинг табаррук қўлларидан олган” – деган фикрини ҳақиқатга яқинроқ бўлиши мумкин, дейди[17].

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Аттор сайру сулуки чоғида кўплаб эранлар суҳбатига етишди. Етмиш йил давомида сўфийлар ва авлиёлар ҳақидаги ҳикоятларни тўплади. Тариқат аҳли орасида ҳеч ким бу миқдордаги ҳикоятлар тўплаган эмас[18]. Алишер Навоий “Лисон ут-тайр”да Аттор асарларидан “Мусибатнома”, “Илоҳийнома”, “Уштурнома”, “Тазкират ул-авлиё” ва “Мантиқ ут-тайр”ни биз зикр этган тартибда санаб ўтади ҳамда устозининг девонларидан ўрин олган қасида, ғазал ва рубоийларини юқори даражада таърифлайди[19]. Навоийшунос олим Ш. Шарипов Аттор ижодининг бош мавзуси тасаввуф эканлигини қайд қилиб, “шоир ўз асарларида сўфизм таълимотининг ваҳдати вужуд концепциясини жуда катта маҳорат билан” тарғиб қилганлигини кўрсатиб ўтади[20].

Маълумки, Фаридиддин Аттор ўзидан кейинги даврлардаги Шарқ адабиёти ва фалсафий тафаккури ривожига катта таъсир кўрсатган. Тожик олими А.Муҳаммадхўжаев Аттор ижодий мероси Жалолиддин Румий, Маҳмуд Шабустарий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа бир қатор кейинги асрларда етишиб чиққан шоир ва мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатганини айтиб ўтади[21]. Унинг фикрига кўра, бу таъсирни юқорида номлари келтирилган мутафаккирлар томонидан Атторга берилган баҳодан ҳамда уларни бирлаштирувчи умумий ғоявий муштаракликдан бемалол кўриш мумкин[22].

Бизнингча, Атторнинг таъсири бошқаларга нисбатан Румий ва Навоий ижодида, хусусан, “Маснавийи маънавий” ва “Лисон ут-тайр” достонларида кўпроқ кузатилади. Эрон олими Бадеъуззамон Фурўзонфар Мавлоно ва Аттор ўртасидаги маънавий ва руҳоний яқинлик ҳақида гапирар экан, Мавлоно Румий ва Шайх Аттор ўртасидаги муносабатларни инкор қилиш мутлақо имконсиздир, дейди[23]. Дарҳақиқат, Мавлоно учун Аттор ижоди сўнгсиз завқ ва илҳом манбаига айланган эди. Мавлоно Аттор ижоди ва шайхнинг ўзи билан

[17] Бадеъуззамон Фурўзонфар. Кўрсатилган асар. – Саҳ. 30.
[18] Тазкират уш -шуаро. – Саҳ. 209.
[19] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. – Т., 1996. 12-том. – Б. 29–30.
[20] Шарипов Ш. Алишер. Навоий “Лисон ут-тайр” достонининг генезиси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари. – Т., 1982. – Б. 17.
[21] Мухаммадходжаев А. Мировоззрения Фаридиддина Аттора. – Душанбе, 1974. – Саҳ. 107.
[22] Ўша китоб, ўша бетда.
[23] Бадеъуззамон Фурўзонфар. Шарҳи аҳвол ва нақду таҳлили осори шайх Фаридиддин бинни Муҳаммад Аттор Нишобурий. – Б. 70.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

танишуви, унинг асарларини ўқиб-ўрганиши имконияти ёшлигидан, аниқроғи, Нишопур шаҳридаги учрашувдан бошланганлиги тарихий манбаларда қайд этилган[24]. Айниқса, Аттор томонидан Жалолиддинга “Асрорнома”нинг туҳфа этилиши бу руҳоний муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кейинчалик “Асрорнома” Мавлононинг бир умрлик доимий ҳамроҳига айланганлиги[25] ҳақидаги таъкидлар унинг Аттор ижодининг муҳиби ва мухлиси бўлиб қолганлигини далиллайди.

Сайид Қосим Анвор ғазалларидан бирида Мавлоно Румий ва Аттордаги ижодий ўхшашлик ва руҳоний яқинлик тўғрисида шундай ёзади:

Дуйи бигзору дар як ҷилд ҷамъ кун,
Ҳама ақволи Мавлонову Аттор[26].

Мазмуни: Иккилик ҳақида гапиришдан кечгилу, Мавлоно ва Аттор сўзлари (шеърлари)ни бир жилдда жамлагин.

Аҳмад Афлокий “Маноқиб ул-орифин”да Мавлононинг Аттор ижодига бўлган меҳр-муҳаббати ва қизиқишини ифодалайдиган кўплаб нақл ва лавҳаларни баён қилган. Жумладан, у бундай дейди: “Бир куни Ҳазрати Мавлоно Фаридиддин раҳматуллоҳи алайҳи асарларини мутолаа қилар эди”[27]. Бундан шу нарса кўринадики, Мавлоно Аттор асарларига тез-тез мурожаат этиб турган, улардан ҳар сафар янгича бир маъно ва мазмун кашф қилган. Мавлонога нисбат бериладиган қуйидаги байтда Атторнинг юксак мақом ва мартабасини англатувчи мазмун баён қилинади:

Ҳафт шаҳри ишқро Аттор гашт,
Мо ҳанӯз андар хами як кӯчаем.

Мазмуни: Аттор ишқнинг етти шаҳрини кезиб чиқди, аммо биз ҳануз бу кўчанинг бошида турибмиз.

“Маснавийи маънавий”даги ҳикоятларнинг манбалари ҳақида гап борганда Аттор ижоди, айниқса, унинг маснавийлари таъсири биринчи навбатда тилга олинади. Бадеъуззамон Фурўзонфар фикрича, “Маснавийи маънавий”даги ўттиз бешга яқин ҳикоятлар Аттор асарларидан ўзлаштирилгандир[28]. Бу ҳикоятларнинг аксарияти “Илоҳийнома”, “Асрорнома”, “Мусибатнома” ва “Мантиқ ут-тайр” каби достонлардан ўзлаштирилган ҳамда улар қайта ишланиб, Мавлонога хос бўлган руҳ ва мазмун билан бойитилган.

[24] Бу ҳақда қаранг: Тазкират уш-шуаро. – Сах. 24.
[25] “Насойим ул-муҳаббат”. – Б. 326.
[26] Али Акбар Деҳхудо. Луғатнома. Шумораи мусалсал. № 217. – Теҳрон, 1345 ҳ.ш. – Сах. 113.
[27] Маноқиб ул-орифин. – Б. 321.
[28] Бадеъуззамон Фурўзонфар. Шарҳи аҳвол ва нақду таҳлили осори шайх Фаридиддин бинни Муҳаммад Аттор Нишобурий. – Сах. 70.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

“Куллиёти Шамс Табризий”даги баъзи бир ғазаллар ҳам Аттор ҳикоятлари заминида яратилганлиги илмда қайд этилган[29]. Аттор девонидаги ғазал, қитъа, қасида каби лирик жанрлар ҳам Мавлоно диққатини ўзига тортган. “Куллиёти Шамс”даги ғазаллар синчиклаб кўздан кечирилса, бу соҳада ҳам Мавлононинг Атторга издошлик қилганлиги намоён бўлади. Мавлоно Аттор ғазалларидаги мавзу, вазн, қофия ва радифларни сақлаган ҳолда бир неча ғазаллар ёзганлиги ҳамда устози ғазалларидан бир неча матлаъ ва алоҳида байтларни тазмин қилганлиги аёнлашади. Мавлононинг Аттор ижодига бўлган қизиқиши унинг атрофидаги мухлис ва муридлари назаридан четда қолмаган ва уларнинг кўпчилиги бевосита ёхуд билвосита Мавлононинг тарғиб ва ташвиқотлари натижасида Аттор ижодини махсус ўрганишган. Аҳмад Афлокий ана шундай лаҳзалардан бирини шундай тасвирлайди: “Ҳазрати Мавлоно буюрдиларким, кимки Аттор асарларини ўрганиш билан шуғулланса, Ҳаким (Саноий) сўзларига ошно бўлади ва ул каломнинг сирларини англайди. Кимки Саноий асарларини жидду жаҳд билан мутолаа қилса, бизнинг сўзимиз сирру синоатидан воқиф бўлади”[30].

Қизиқарли томони шундаки, Мавлоно ўз лирик мероси билан унга катта таъсир ўтказган устозлари ҳақида сўз юритар экан, ҳар доим Аттор ва Саноий номларини ёнма-ён келтиради. Маълумки, Аттор Саноийга издошлик қилган, унинг “Ҳадиқат ул-ҳақиқат...” ва бошқа асарларидан илҳомланган. Мавлононинг юқоридаги эътирофида иккала забардаст ижодкор ўртасидаги вобасталик ва ўхшаш жиҳатларга ишора қилинмоқда. Афлокий ёзади: “Мавлоно, Ҳакими илоҳий (Саноий) ва Фаридиддин Аттор қ. а. с. ҳақида шундай деди: Улар диннинг буюклари эдилар. Аммо улар кўпроқ фироқ ҳақида сўзладилар, биз эса фақат васл ҳақида сўзладик”[31].

“Куллиёти Шамс”даги ғазалларда ҳам Аттор ва Саноийга муносабат – деярли бир хил. Қуйидаги байтга диққат қилайлик:

Ҷоне, ки рӯ ин сӯ кунад, бо Боязид ӯ хӯ кунад,
Ё дар Саноӣ рӯ кунад, ё бӯ диҳад Атторро (С. 58).

Яъни: Жон агар юзини бу томонга қаратса, Боязидга ўрганиб қолади, гоҳида Саноийга рўпара келар, гоҳида ундан Аттор иси келар.

[29] Бадеъуззамон Фурўзонфар. Кўрсатилган асар. – Сах. 72.
[30] Аҳмад Афлокий. Манокибул-орифин. 1-жилд. Таҳсин Ёзичи таржимаси. – Истанбул, 1986. – Сах. 200.
[31] Кўрсатилган асар. – Сах. 200.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-670-682

Бошқа бир байтда эса, Мавлоно Саноий ва Аттор ижодининг мазмун-моҳиятини, уларнинг тасаввуф шеъриятидаги ўрин ва мақомларини шундай белгилайди:

Агар Аттор ошиқ буд, Саной шоҳу фоиқ буд,
На инам ман, на онам ман, ки гум кардам сару поро (С. 73).

Мазмуни: Агар Аттор ошиқ бўлса, Саноий шоҳу фоиқ (юксакроқ, баландроқ)дир. Мен у ҳам эмасман, бу ҳам эмасман. Мен бошдан-оёқ ўзимни йўқотдим.

Бу байтда шоир: “На инам ман, на онам ман...” – дейиш билан наинки ҳолати, маънавий тақдири, балки ижодиёти ҳам устозлариникидан фарқланишига ишорат этган эди.

ХУЛОСА

Дарҳақиқат, Жалолиддин Румий адабиётдаги бир қанча жанрларда қалам тебратиб, ўзига хос салмоқли мерос яратган буюк санъаткордир. Унинг асарлари, хусусан, сифат жиҳатдан ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. У ирфоний маъно ва мазмунларни ифодалашда ўзигача яшаб ижод этган улуғ шоирларнинг анъаналарини давом эттирган бўлса-да, маҳоратда ҳамма устозларидан ўзиб кетган эди.

REFERENCES

1. Олимов К. Мировозрение Санои. – Душанбе, 1973. – Стр. 22.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 457.
3. Девони Ҳаким Саноий. Теҳрон, 1375 ҳ.ш. – Саҳ. 9.
4. Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. – Теҳрон, I337 ҳ.ш. – Саҳ. I06.
5. Жалолиддин Муҳаммад Алҳусайн ал-Балхи сумма ар-Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи дафтар. – Теҳрон: Тулўъ, 1365 ҳ. – Саҳ. 90–I04.
6. Мухаммадходжаев А. Мировоззрения Фаридиддина Аттора. – Душанбе, 1974. – Саҳ. 107.
7. Бадеъуззамон Фурўзонфар. Шарҳи аҳвол ва нақду таҳлили осори шайх Фаридиддин бинни Муҳаммад Аттор Нишобурий. – Б. 70.
8. Тазкират уш-шуаро. – Саҳ. 24.
9. “Насойим ул-муҳаббат”. – Б. 326.
10. Али Акбар Деҳхудо. Луғатнома. Шумораи мусалсал. № 217. – Теҳрон, 1345 ҳ.ш. – Саҳ. 113.
11. Аҳмад Афлокий. Манокибул-орифин. 1-жилд. Таҳсин Ёзичи таржимаси. – Истанбул, 1986. – Саҳ. 200.